
Ўзбекистон туманида референдумга доир ўқув машғулоти ўтказилмоқда

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти ҳамда референдум ўтказиш тартибини етказиш мақсадида Ўзбекистон туманида ўқув машғулоти ўтказилмоқда.

Семинар-тренингларда референдум ўтказувчи участка раислиги, раис ўринбосарлиги ва котиблигига номзодлар иштирок этмоқда.

Референдум ўтказиш бўйича Фарғона вилояти Округ комиссияси томонидан бириктирилган ҳудудий тренерлар томонидан ўтказилаётган ўқув машғулотида олдинда турган муҳим сиёсий воқелик - референдум жараёни юзасидан зарур маълумотлар ва тушунтиришлар берилмоқда.

Туманда ташкилланган мазкур ўқув машғулоти тасдиқланган режага асосан 4 апрелга қадар давом этиши белгиланган.

2023-03-30 15:28:06